ложиҳаларни чиқариб ташлаш ёки лойиҳаларнинг параметрларини ўзгартиришнинг мақсадга мувофиқлиги асосида лойиҳани амалга оширишнинг самарадорлиги ва имкониятларини баҳолаш бўйича;

в) Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан — бир-бiriнинг ўрнини босадиган товарларни ва нархлар шаклланишини ҳисобга олган ҳолда рақобат мухитини, монополлашув даражасини, ишлаб чиқариладиган маҳсулот билан бозорнинг етарлича таъминланганлигини баҳолаш бўйича;

г) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан (ложиҳа молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ёки Ҳукумат кафолати остидаги кредит маблағлари ҳисобига амалга оширилган тақдирда) — иқтисодий самарадорликни келишиш бўйича.

Зарурат бўлганда, Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда, Иқтисодиёт вазирлигида ваколатли органлар мутахassislarидан иборат таркибда вақтингчалик ишчи гурухлар тузилиши мумкин.

12. Ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган хужжатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича ваколатли органлар асосланган хulosаларни хужжатлар тушган вақтдан бошлаб ўн кун муддатдан кечикмай Maxsus комиссия котибиятига жўнатади.

Маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш бўйича таклифлар юзасидан хulosалар нусхаси ваколатли

орган томонидан лойиҳа ташаббускорига жўнатилади.

13. Танқидий мулоҳазалар мавжуд бўлган тақдирда хужжатлар ваколатли органлар томонидан лойиҳа ташаббускорига пухта ишлаш учун қайтарилади.

Пухта ишланган хужжатлар лойиҳаларнинг ташаббускорлари томонидан ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган ваколатли органларга тақдим этилади. Хужжатларни такорран кўриб чиқиш ва тегишли хulosаларни Maxsus комиссия котибиятига тақдим этиш ваколатли органлар томонидан, илгари кўрсатиб ўтилган танқидий мулоҳазалар лойиҳалар ташаббускорлари томонидан бартараф этилган тақдирда, бир ҳафта муддатда амалга оширилади.

Лойиҳанинг пухта ишланган паспортини кўриб чиқиша ваколатли органлар томонидан янги танқидий мулоҳазалар билдирилишига йўл қўйилмайди.

14. Maxsus комиссия котибияти бир ҳафта муддатда ваколатли органларнинг тушган ижобий хulosаларини умумлаштиради ва Maxsus комиссия протоколи лойиҳасини, зарурат бўлганда, Ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрлайди, Maxsus комиссия аъзолари билан келишиб олади ва уларни кўриб чиқиш учун Maxsus комиссияга киритади.

Бир ёки ундан кўп ваколатли органларнинг хulosasi салбий бўлган тақдирда Maxsus комиссия котибияти тегишли хulosani кўриб чиқиш учун Maxsus комиссияга киритади.

15. Maxsus комиссия Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаментлари иштирокида заруратга кўра ҳар ҳафтада бир марта ўтказиладиган ўз мажлисларида тушган таклифларни (хulosаларни) ва Ҳукумат қарори лойиҳасини кўриб чиқади, Maҳalliyлаштириш дастурига тузатиш киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида протокол қабул қиласди.

16. Maxsus комиссия мажлислари комиссия аъзоларининг камидан тўртдан уч қисми қатнашганда ўтказилади.

Maxsus комиссия қарорлари мажлисда қатнашаётган Maxsus комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Maxsus комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Maxsus комиссиянинг қарорлари Maxsus комиссия раиси томонидан тасдиқланадиган протокол билан расмийлаштирилади.

17. Ушбу Низомнинг 4-бандида назарда тутилган ҳолларда Иқтисодиёт вазирлиги томонидан бир ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан келишилган Maҳalliyлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорининг лойиҳаси киритилади.

### **III. МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИГА ТУЗАТИШ КИРИТИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КИРИТИШНИНГ МАҚСАДГА МУВОФИҚЛИГИНИ БАҲОЛАШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ЯГОНА МЕЗОНЛАР ВА ТАЛАБЛАР**

18. Лойиҳа параметрларининг куйидаги мажбурий мезонлар асосида Maҳalliyлаштириш дастури мақсадлари ва вазифаларига мувофиқлиги лойиҳани Maҳalliyлаштириш дастурига киритиш имконияти тўғрисида таклиф киритиш учун асос ҳисобланади:

а) мамлакат саноатини ривожлантиришнинг асосий устувор вазифаларига мувофиқлик;

б) маҳalliyлаштириладиган маҳсулотни ишлаб чиқариши ташкил этиш учун қувватлар ва хом ашё ресурсла-

рининг мавжудлиги;

в) маҳalliyлаштириш даражаси босқичма-босқич ошириб борилган ҳолда ишлаб чиқариш бошланган пайтдан бошлаб 12 ой мобайнида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бўйича маҳalliyлаштириш даражасининг камидан 30 фоизга етиши;

г) ТИФ ТН коди бўйича пировард маҳсулот товар позицийасининг бошланғич хом ашёга нисбатан камидан биринчи тўртта белгилардан бири даражасида ўзгаришининг таъминланиши;

д) маҳalliyлаштириладиган маҳсулотга ички ва ташқи бозорларда талабнинг мавжудлиги;

е) шунга ўхшаш маҳсулот импортининг мавжудлиги;

ж) маҳсулотнинг потенциал истеъмолчилари билан шартномаларнинг ёки аҳдлашувларнинг мавжудлиги;

з) маҳalliyлаштириладиган маҳсулотни сотиш нархи-

нинг ана шундай импорт қилинадиган маҳсулот нархидан юқори бўлмаслиги (Ўзбекистон Республикасигача бўлган

транспорт харажатлари, божхона ва солиқ тўловлари ҳисобга олинган ҳолда);

и) маҳalliyлаштириладиган маҳсулотга нисбатан ҳалқаро стандартлар бўйича ишлаб чиқариш бошланган пайтдан бошлаб 18 ой мобайнида сифатни бошқариш тизимининг жорий этилиши.

19. Юқорида кўрсатиб ўтилган мезонларга тўлиқ мувофиқ бўлмаган истиқболли лойиҳаларни Maҳalliyлаштириш дастурига киритиш тўғрисидаги қарор Maxsus комиссия томонидан қабул қилинади.

20. Maҳalliyлаштириш дастурига улар билан мамлакатимиз бозори етарлича таъминланган, соғлом рақобат муҳити яратилган ёки ишлаб чиқариш ҳажми ички бозор эҳтиёжларини қоплайдиган шундай маҳсулотларни (техник тавсифлари ва истеъмол ҳусусиятларига кўра) ишлаб чиқаридиган бошқа маҳalliy ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар киритилмайди.

21. Қуйидагилар лойиҳаларни лойиҳа ташабbусkorи таклифлariга кўра, шу жумладан тенг аҳамиятли лойиҳалар киритилган тақдирда Maҳalliyлаштириш дастуридан чиқариб ташлаш тўғрисида ваколатли органлар томонидан хulosasi чиқариш учун асос ҳисобланади:

корхонанинг тутатилиши ёки форс-мажор вазиятлари; маҳsулотнинг сифати ва нархига кўра рақобатбардошли эмаслиги туфайли маҳsулотнинг ушбу турига ички бозорда талабнинг йўклиги;

Maҳalliyлаштириш дастури прогноз параметрларининг бажарилмаслиги (йил якунларига кўра 30 фоиздан кам);

мамлакатимиз бозорининг маҳalliyлаштирилаётган маҳsулот билан тўлалиги, соғлом рақобат муҳити мавжудлиги ёки ишлаб чиқариш ҳажми ички бозор эҳтиёжини қоплайдиган шундай маҳsулотнинг (техник тавсифлари ва истеъмол ҳусусиятларига кўра) бошқа маҳalliy ишлаб чиқарувчилари пайдо бўлганлиги;

солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши натижасида бўшайдиган маблағлар тегишли мақсадда фойдаланилмаслиги, шунингдек технологик асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва материалларнинг асосиз равишда импорт қилиниши ҳолларининг аниқланганлиги.

### **IV. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДА**

22. Лойиҳа Maҳalliyлаштириш дастуридан чиқарилганда лойиҳани амалга ошираётган корхона лойиҳа Maҳalliyлаштириш дастуридан чиқарилган санадан бошлаб қонун хужжатларида белгиланган тегишли солиқ ва божхона имтиёзларига бўлган хукуқлардан маҳрум бўлади.

*Maҳalliyлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА*

### **САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИ АОСОИДА ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР, БУТЛОВЧИ БУЮМЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИГА ТУЗАТИШЛАР КИРИТИШ СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Субъектлар	Ҳаракатлар	Муддатлар
1-босқич	Вазирлар ва хўжалик бирлашмалари — маҳаллийлаштириш лойиҳалари ташаббускорлари	Махсус комиссия котибиятига (Иқтисодиёт вазирлигига): — Маҳаллийлаштириш дастурига тузатиш киритиш (войиҳаларни киритиш ёки чиқариб ташлаш, маҳаллийлаштириш даражасини пасайтириш) тўғрисида; — маҳаллийлаштириш лойиҳалари параметрларига тузатиш киритиш (прогноз кўрсаткичларни, техник параметрларни, лойиҳа ва корхона номини ўзгартириш, шу жумладан мулкчилик шакли ва ташкилий-хукуқий шакли ўзгариши муносабати билан), шунингдек тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ имтиёзларни кўлланиш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қилиш (7-банд).	Маҳаллий-лаштириш лойиҳалари ташаббускорлари хошиглаш кўра
2-босқич	Махсус комиссия котибияти (Иқтисодиёт вазирлиги)	Тушган таклифларни ваколатли органларга (Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги) юбориш (10-банд).	2 кун
3-босқич	Ваколатли органлар	Кўриб чиқиш ва таклифлар юзасидан Махсус комиссия котибиятига хуласа киритиш (11 — 13-бандлар).	17 кун
4-босқич	Махсус комиссия котибияти (Иқтисодиёт вазирлиги)	Ваколатли органлар хуласаларига мувофиқ тайёрланган Махсус комиссия протоколи ва Хукумат қарори лойиҳасини Махсус комиссия аъзолари билан келишиб олиш (14-банд).	7 кун
5-босқич	Махсус комиссия	Ваколатли органлар хуласаларини ва Хукумат қарори лойиҳасини кўриб чиқиш натижалари бўйича Махсус комиссиянинг протоколини қабул қилиш (15-банд).	7 кун
6-босқич	Иқтисодиёт вазирлиги	Хукумат қарори лойиҳасини Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан келишиб олиш (17-банд).	7 кун
7-босқич	Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар йигма ахборот-таҳдил департаменти	Хукумат қарори лойиҳаси изчил ишлаб чиқилиши ва топширилишини ташкил қилиш: 1. Хужжат лойиҳасини экспертизадан ўтказиш. 2. Хужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳдил департаментлари билан келишиб олиш. 3. Хужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасининг Хукуқий экспертиза ва ҳалқаро шартномалар бошқармасида ҳукуқий экспертизадан ўтказиши ташкил қилиш. 4. Хужжат лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринbosарлари билан келишиб олиш. 5. Хужжат лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг биринчи ўринbosари билан келишиб олиш. 6. Хужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг ўринbosарига топшириш.	10 кун
8-босқич	Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати	Хужжат лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони билан келишиш (зарурят бўлса).	2 кун
9-босқич	Бош вазир	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	имзолаш

Изоҳлар:

Кўриб чиқиш муддатлари — 52 кун.  
Кўриб чиқиш изчиллиги — 9-босқич.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАР ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАҲСЛАРНИНГ «НАВОЙ» ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ ҲУДУДИГА КИРИШИ, УНДАН ЧИҚИБ КЕТИШИ, У ЕРДА БЎЛИШИ ВА ИШГА ЁЛЛАНИШИННИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами», 2009 йил, 15-сон, 188-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятида эркин индустрисал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг «Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зонаси ҳудудига кириши, ундан чиқиб кетиши, у ерда бўлиши ва ишга ёлланишининг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зонаси ҳудудига кириш ва ундан чиқиш учун визалар бериш, Ўзбекистон Республикасида вақтинча рўйхатдан ўтказиш, шунингдек хорижий ишлини кучини жалб қилиш учун рухсатнома бериш ва ҳудуддаги хўжалик фаолияти қатнашчиларига меҳнат фаолияти ҳукуқини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш давлат божи ва бошқа тўловлар ундирилмасдан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг буюрманомаларига биноан «Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зонаси ҳудудидаги тегишили бўлинмани белгиланган тартибда зарур алоқа каналлари билан ва уларнинг узлуксиз ишлашини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсанлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг биринчи ўринbosари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Баш вазири  
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2009 йил 9 апрель  
104-сон.

**ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАР ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРНИНГ «НАВОЙ»  
ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ ҲУДУДИГА КИРИШИ, УНДАН ЧИҚИБ КЕТИШИ,  
У ЕРДА БЎЛИШИ ВА ИШГА ЁЛЛАНИШИННИГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДА  
НИЗОМ**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ушбу Низом хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг «Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда «Навоий» ЭИИЗ деб аталади) ҳудудига кириши, ундан чиқиб кетиши, у ерда бўлиши ва ишга ёлланишининг соддалаштирилган тартибини белгилайди.

Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг «Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зонаси ҳудудига кириши, ундан чиқиб кетиши, у ерда бўлиши ва ишга ёлланишининг соддалаштирилган тартиби түғрисида Низомни бажариш юзасидан хатти-ҳаракатлар схемаси ушбу Низомга иловада берилган.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши:

«Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хўжалик фаолияти қатнашчиларига ва уларнинг оила аъзоларига;

«Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хўжалик фаолияти қатнашчилари томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун жалб этиладиган хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга татбиқ этилади.

Ушбу Низомнинг мақсади учун ушбу бандда кўрсатилган шахслар «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқаролар деб аталади.

3. «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқароларнинг умумий хисобини юритади ҳамда хорижий фуқароларга уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва ушбу Низомда назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз вақтида тушунтиришини таъминлайди, шунингдек уларнинг вақтингчалик рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш, республика ҳудудида юриши ва улар учун белгиланган бу ерда бўлиш муддати тугағач Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишини таъминлаш юзасидан жавоб беради.

4. Танлаб олишдан ўтмаган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида кириши, у ерда бўлиши ва ундан чиқиб кетишини расмийлаштириш, шунингдек улар томонидан хорижий ишчи кучларини жалб этиш умумий равишда белгиланган тартибда амалга оширилади.

**II. «НАВОЙ» ЭИИЗ ҲУДУДИДАГИ ХОРИЖИЙ  
ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА  
КИРИШ ВИЗАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ**

5. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқароларга кириш визалари «Навоий» ЭИИЗ дирекциясининг Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигига берадиган ёзма илтимосномаси асосида берилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси томонидан айрим давлатлар фуқаролари учун рухсатномаларни расмийлаштиришнинг ушбу Низомда назарда тутилганидан бошқа янада қулайроқ тартиби белгиланган бўлса, қулайроқ бўлган тартиб қўлланади.

6. «Навоий» ЭИИЗ дирекциясининг хорижий фуқаронинг Ўзбекистон Республикасида кириш визаси бериш учун ёзма илтимосномасини кўриб чиқиш муддати илтимоснома берилган кундан бошлаб икки иш кунидан ошмаслиги керак.

7. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасида (кириш, кириш-чиқиш) кириш визалари:

а) Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консулик муассасалари томонидан, улар мавжуд бўлмаган тақдирда — бошқа мамлакатларнинг улар билан айрим консулик функцияларини бажариш түғрисида аҳдлашув мавжуд бўлган дипломатик ваколатхо-

налари томонидан;

б) Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигининг хорижий мамлакатларга қатновлар мавжуд бўлган аэропортлардаги консулик бюроси томонидан берилади.

8. Ўзбекистон Республикасида кириш визалари «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқароларга бир йилгача муддатга ёки Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташки меҳнат миграцияси масалалари агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) томонидан берилган меҳнат фаолиятига ҳуқуқнинг тасдиқномаси амал қиласидан муддатга берилади.

9. Ўзбекистон Республикасида кириш учун кўп марталик визалар «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқароларга бир йилгача муддатга ёки Агентлик томонидан берилган меҳнат фаолиятига ҳуқуқнинг тасдиқномаси амал қиласидан муддатга берилади.

10. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш визалари олиш учун Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ёки консулик муассасалари икки нусхада тўлдирилган белгиланган шаклдаги анкета-аризани, миллий паспортни ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжатни, «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси илтимосномасини, Ўзбекистон Республикасида контрактлар (шартномалар) бўйича ишлаш учун уч ойдан кўп муддатга келаётганлар эса — Агентлик томонидан берилган меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномани ҳам тақдим этадилар.

11. Кириш визаси Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ҳақиқийдир, хорижий фуқароларнинг кириши учун ёпиқ бўлган жойлар, обьектлар бундан мустасно.

12. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг кириш учун очиқ бўлган ҳудуди бўйлаб эркин юришлари мумкин.

**III. «НАВОЙ» ЭИИЗ ҲУДУДИДАГИ ХОРИЖИЙ  
ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
БЎЛИШИ ҚОИДАЛАРИ**

13. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқаролар «Навоий» ЭИИЗга тутишган, уй-жойлар ва ижтимоий инфратузилмалар қуриш учун акратилган ва «Навоий» ЭИИЗ Бош режасида назарда тутилган ҳудудда яшайдилар.

«Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқаролар «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси ва ички ишлар органлари билан келишган ҳолда бошқа ҳудудда ҳам яшаш мумкин.

14. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида миллий паспортлари ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатлари бўйича вақтингчалик рўйхатдан ўтказиш асосида яшайдилар. Миллий паспортлар ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатлар етиб келгандан кейин бир сутка мобайнида вақтингчалик рўйхатдан ўтиш учун «Навоий» ЭИИЗ дирекциясида тақдим этилади, байрам ва дам олиш кунлари бундан мустасно.

15. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқароларни вақтингчалик рўйхатдан ўтказиш ва унинг муддатини узайтириш Навоий вилояти Ички ишлар бошқармасининг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими томонидан амалга оширилади.

16. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқаролар «Навоий» ЭИИЗ дирекциясининг ёзма мурожаатномалари асосида Навоий вилояти Ички ишлар бошқармасининг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимида вақтингчалик рўйхатдан ўтказилади. Мурожаатномалар, байрам ва дам олиш кунларидан ташқари, рўйхатдан ўтказилиши керак бўлган хорижий фуқаролар томонидан вақтингчалик

рўйхатдан ўтказиш учун миллий паспортлар ёки уларнинг ўрнини босадиган хужжатлар топширилган вақтдан бошлаб уч сутка мобайнида берилиши керак.

«Навоий» ЭИИЗ худудидаги хорижий фуқароларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш ва унинг муддатини узайтириш «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси ёзма мурожаатномаларида кўрсатилган давр учун, лекин виза амал қиласидан муддат доирасида бир кун муддатда амалга оширилади.

17. «Навоий» ЭИИЗ худудидаги хорижий фуқароларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказишдан озод қилиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

18. «Навоий» ЭИИЗ худудидаги хорижий фуқаролар миллий паспортларини ёки уни ўрнини босадиган хужжатлари ўзи билан бирга олиб юришлари шарт.

«Навоий» ЭИИЗ худудидаги хорижий фуқаролар миллий паспорти ёки унинг ўрнини босадиган хужжатлари йўқолганилиги тўғрисида дарҳол «Навоий» ЭИИЗ дирекциясига ва ички ишлар органларида хабар қилишлари керак.

19. «Навоий» ЭИИЗ худудидаги хорижий фуқаролар томонидан шахсий ва хизмат автотранспорт воситасидан фойдаланиш, Ўзбекистон Республикаси худудида автотранспорт воситаларини бошқариш учун ҳайдовчилик гувоҳномаларини қўлланиш, хорижий фуқароларнинг транспорт воситаларини давлат техник кўригидан ўтказиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг фуқароларида техники шубъи бўлган автомотранспортни фойдаланиш учун хорижий фуқароларга ёки Ўзбекистон Республикасида яшайдиган хорижий фуқароларга бериш белгиланган тартибда амалга оширилади.

20. «Навоий» ЭИИЗ худудидаги хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси худудида юриши, шунингдек Ўзбекистон Республикасида киши хукуқини чеклаш, уларнинг бу ерда бўлиш муддатини қисқартириш ва уларни республикадан ташқарига чиқариб юбориш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **IV. «НАВОЙ» ЭИИЗ ХУДУДИДАГИ ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАН ЧИҚИШ ВИЗАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ**

21. «Навоий» ЭИИЗ худудидаги хорижий фуқаролар учун Ўзбекистон Республикасидан чиқиш визаларини (чиқиш, чиқиш-кириш визаларини) бериш ва уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш:

а) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси;

б) Навоий вилояти Ички ишлар бошқармасининг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими томонидан амалга оширилади.

22. «Навоий» ЭИИЗ худудидаги хорижий фуқаролар визалар бериш ва уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш учун миллий паспортини ёки унинг ўрнини босадиган хужжатини кўрсатган ҳолда «Навоий» ЭИИЗ дирекциясига мурожаат қиласидар.

«Навоий» ЭИИЗ дирекцияси илтимоснома ва икки нусхада тўлдирилган белгиланган шаклдаги анкета-ариза билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига ёки Навоий вилояти Ички ишлар бошқармасининг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига мурожаат қиласидар.

23. «Навоий» ЭИИЗ худудидаги хорижий фуқаронинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиш визаларини (чиқиш, чиқиш-кириш визаларини) бериш ва уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш юзасидан буюрманомасини кўриб чиқиш муддати буюрманома берилган кундан бошлаб беш иш кунидан ошмаслиги керак.

24. «Навоий» ЭИИЗ худудидаги хорижий фуқароларга кўп марталик чиқиш-кириш визалари бир йилгача муддатга ёки Агентлик томонидан берилган меҳнат фаолиятига хукуқнинг тасдиқномаси амал қиласидан муддатга берилади.

25. Ушбу Низомнинг 21-бандида кўрсатилган ички ишлар органлари «Навоий» ЭИИЗ худудидаги хорижий фуқаронинг анкета-аризасини кўриб чиқиш натижаларига кўра амал қилиш муддати кўрсатилмаган чиқиш визасини хорижий фуқаронинг миллий паспортига ёки унинг ўрнини босадиган хужжатига ёпишириб кўяди.

«Навоий» ЭИИЗ худудидаги хорижий фуқаролар кўп марталик чиқиш-кириш визалари ёпишириб кўйилгандан кейин «Навоий» ЭИИЗ дирекциясига билдиришномаси билан чет элга кўп марталаб чиқишлари мумкин.

#### **V. «НАВОЙ» ЭИИЗ ХУДУДИДАГИ ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАРНИНГ ИШГА ЁЛЛАНИШ ТАРТИБИ**

26. «Навоий» ЭИИЗ худудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида келаётган хорижий фуқаро факат ўзининг номига қонун хужжатларида белгиланган шаклда Агентлик томонидан берилган меҳнат фаолиятига хукуқнинг тасдиқномаси (кейинги ўринларда тасдиқнома деб аталади) мавжуд бўлган тақдирдагина ишга ёлланиши мумкин.

Бунда тасдиқноманинг амал қилиш муддати хорижий ишчи кучини жалб этиш хукуқига берилган рухсатноманинг амал қилиш давридан ошмаслиги керак.

27. Иш берувчига Агентлик томонидан қонун хужжатларида белгиланган шаклда хорижий ишчи кучини жалб этиш хукуқига рухсатнома (кейинги ўринларда рухсатнома деб аталади) тасдиқнома бериш учун асос ҳисобланади.

Рухсатнома бир йил муддатга берилади ва бу муддат томонларнинг келишувига кўра, иш берувчи томонидан ушбу Низомнинг 29-бандида назарда тутилган хужжатларни тақдим этиш асосида, меҳнат контрактининг амал қилиш муддати ўтгунгача узайтирилади.

28. Хорижий ходим учун тасдиқнома иш берувчига хорижий ишчи кучини жалб этиш хукуқига рухсатнома билан биргаликда берилади.

29. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси рухсатнома/тасдиқномани олиш учун Агентликка қўйидаги хужжатларни тақдим этади:

белгиланган шаклдаги ариза;

«Навоий» ЭИИЗ хўжалик фаолияти қатнашчиси гувоҳномасининг нусхаси;

«Навоий» ЭИИЗ дирекциясига илтимосномаси;

хорижий ходимнинг фотосуратли анкетаси;

хорижий ходим учун ОИВ-инфекцияси йўқлиги тўғрисидаги сертификат;

миллий паспорт ёки унинг ўрнини босувчи хужжатнинг нусхаси;

контракт лойиҳаси ёки хорижий ходимларни жалб этишнияти ва шартлари тўғрисида хорижий фуқаролар ёки хорижий ташкилотлар билан олдиндан аҳдлашилганикни тасдиқловчи бошқа хужжатлар.

Рухсатнома/тасдиқнома муддатини узайтириш учун куйидаги хужжатлар тақдим этилади:

белгиланган шаклдаги ариза;

«Навоий» ЭИИЗ дирекциясига илтимосномаси;

хорижий ходимнинг фотосуратли анкетаси;

хорижий ходим учун ОИВ-инфекцияси йўқлиги тўғрисидаги сертификат;

миллий паспорт ёки унинг ўрнини босувчи хужжатнинг нусхаси;

рухсатнома/тасдиқноманинг асл нусхаси.

30. «Навоий» ЭИИЗ худудидаги хорижий фуқаролар учун рухсатнома/тасдиқнома бериш юзасидан хужжатларни кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш худудий бошқармаси хулосаларини талаб қиласидан амалга оширилади.

31. Рухсатнома/тасдиқнома бериш (унинг муддатини узайтириш) тўғрисидаги қарор Агентлик томонидан, иш берувчи ушбу Низомнинг 29-бандида назарда тутилган хужжатларни берган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида қабул қилинади.

32. Рұхсатнома бошқа иш берувчиларға берилмайды. Рұхсатнома асосида жалб этиладиган хорижий ходимлар бошқа иш берувчига ишлаш учун ўтказилиши мүмкін змас.

33. Рұхсатнома/тасдиқноманинг амал қилишини тұхтатиб туриш, уни бекор қилиш, шунингдек хорижий ходимларни Ўзбекистон Республикаси худудидан чиқарып юбориш

қонун ҳужжатларыда белгиланған тартибда амалға оширилады.

## VI. ЯКУНИЙ ҚОИДА

34. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

**Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг «Навоий» эркин индустрисал-иктисодий зонаси худудига кириши, ундан чиқиб кетиши, у ерда бўлиши ва ишга ёлланишининг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги низомни бажариш юзасидан хатти-харакатлар СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Хатти-харакатлар	Муддатлар
<b>Хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасига кириш учун визаларни расмийлаштириш</b>			
1-босқич	«Навоий» ЭИИЗ дирекцияси	«Навоий» ЭИИЗ дирекцияси Ташқи ишлар вазирлигига расмийлаштириш учун ёзма илтимоснома беради (5-банд).	заруритта кўра
2-босқич	Ташқи ишлар вазирлиги	Ташқи ишлар вазирлиги «Навоий» ЭИИЗ дирекциясининг виза бериш юзасидан ёзма илтимосномасини кўриб чиқади (6-банд).	икки иш куни мобайнида
3-босқич	Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасигининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари	Ўзбекистон Республикасигининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳамда Ташқи ишлар вазирлигининг аэропортлардаги консуллик бюоролари хорижий фуқароларга визалар беради (7-банд).	бир иш куни мобайнида
4-босқич	Хорижий фуқаролар	Хорижий фуқаролар визаларни расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикасигининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасаларига ёки Ташқи ишлар вазирлигининг аэропортлардаги консуллик бюороларига мурожаат қиладилар (10-банд).	«Навоий» ЭИИЗ дирекциясининг билдиришномасини олгандан кейин
<b>Хорижий фуқароларни вақтингчалик рўйхатдан ўтказиш ва унинг муддатини узайтириш</b>			
5-босқич	Хорижий фуқаролар	Хорижий фуқаролар вақтингчалик рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш учун «Навоий» ЭИИЗ дирекциясига мурожаат қиладилар (14-банд).	«Навоий» ЭИИЗ худудига келгандан кейин бир сутка мобайнида
6-босқич	«Навоий» ЭИИЗ дирекцияси	«Навоий» ЭИИЗ дирекцияси хорижий фуқароларни вақтингчалик рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш учун Навоий вилояти ИИБнинг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига ёзма мурожаатнома беради (16-банднинг биринчи хатбоши).	уч сутка мобайнида
7-босқич	Навоий вилояти ИИБнинг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими	Навоий вилояти ИИБнинг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими хорижий фуқароларни вақтингчалик рўйхатдан ўтказади ва унинг муддатини узайтиради (16-банднинг иккинчи хатбоши).	бир сутка муддатда
<b>Хорижий фуқаролар визаларининг муддатини узайтириш</b>			
8-босқич	Хорижий фуқаролар	Хорижий фуқаролар «Навоий» ЭИИЗ дирекциясига визалар бериш ва уларнинг муддатини узайтириш юзасидан мурожаат қиладилар (22-банднинг биринчи хатбоши).	визанинг амал қилиш муддати тугагунгача
9-босқич	«Навоий» ЭИИЗ дирекцияси	«Навоий» ЭИИЗ дирекцияси Навоий вилояти ИИБнинг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимiga виза бериш ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш юзасидан илтимоснома беради (22-банднинг иккинчи хатбоши).	ўша куннинг ўзида
10-босқич	Ички ишлар вазирлигининг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ёки Навоий вилояти ИИБнинг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими виза беради ва унинг амал қилиш муддатини узайтиради (23-банд).	Ички ишлар вазирлигининг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ёки Навоий вилояти ИИБнинг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими виза беради ва унинг амал қилиш муддатини узайтиради (23-банд).	беш иш куни мобайнида
<b>Меҳнат фаолияти ҳуқуқи учун рұхсатнома/тасдиқномани расмийлаштириш ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш</b>			
11-босқич	«Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси	«Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига тегиши ҳужжатларни тақдим этади (29-банд).	заруритта кўра
12-босқич	Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги	Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига меҳнат фаолияти ҳуқуқи учун рұхсатнома/тасдиқнома берилши (унинг амал қилиш муддатини узайтириш) тўғрисида қарор қабул қилади (31-банд).	ўн иш куни мобайнида

**2009 ЙИЛ 1 ЧОРАГИДА "СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ" ҲАМДА  
"НОРМА МАСЛАҲАТЧИ" ГАЗЕТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МЕЬЁРИЙ-ҲУҶАКИЙ  
ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ**

<i>Меъёрий ҳуҷжатнинг номи</i>	<i>Санаси, рўйхат рақами</i>	<i>Газета сони</i>
<b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ</b>		
Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2008 йил 29 декабрь, ЎРҚ-196-сон	1-сон "СБХ"
Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	2008 йил 25 декабрь, ЎРҚ-194-сон	1-сон "СБХ"
Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	2008 йил 22 декабрь, ЎРҚ-193-сон	1-сон "СБХ"
Солик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	2008 йил 31 декабрь, ЎРҚ-197-сон	2-сон "СБХ"
Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2008 йил 31 декабрь, ЎРҚ-198-сон	2-сон "Норма маслаҳатчи"
Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2009 йил 14 январь, ЎРҚ-199-сон	3-4-сон "Норма маслаҳатчи"
<b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ, ҚАРОРЛАРИ</b>		
Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида (кўчирма)	2008 йил 29 декабрь, ПҚ-1024-сон	1-сон "Норма маслаҳатчи"
О прогнозе основных макроэкономических показателей и параметрах государственного бюджета Республики Узбекистан на 2009 год (в извлечениях)	2008 йил 29 декабрь, ПҚ-1024-сон	2-сон "СБХ"
Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гурӯҳини мукофотлаш тўғрисида (кўчирма)	2009 йил 12 январь	4-сон "СБХ"
Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш тўғрисида	2009 йил 5 январь, ПҚ-1030-сон	5-6-сон "Норма маслаҳатчи"
Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2006 йил 16 майдаги ПҚ-350-сонли қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2009 йил 6 январь, ПҚ-1031-сон	7-сон "Норма маслаҳатчи"
Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон	7-сон "Норма маслаҳатчи"
Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини ободонлаштиришни яхшилаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2009 йил 22 январь, ПҚ-1045-сон	7-сон "Норма маслаҳатчи"
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2009 йил 26 январь, ПҚ-1047-сон	8-сон "Норма маслаҳатчи"
Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2009 йил 28 январь, ПҚ-1050-сон	8-сон "Норма маслаҳатчи"
Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2009 йил 29 январь, ПҚ-1051-сон	8-сон "Норма маслаҳатчи"
2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида	2009 йил 27 январь, ПҚ-1048-сон	9-сон "Норма маслаҳатчи"
2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида	2009 йил 12 март, ПҚ-1072-сон	14-сон "Норма маслаҳатчи"
Кризисга қарши дастурга киритилган қўшимча инфратузилма объектлари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида	2009 йил 17 март, ПҚ-1073-сон	14-сон "Норма маслаҳатчи"

<i>Меърий хужжатиниг номи</i>	<i>Санаси, рўйхат рақами</i>	<i>Газета сони</i>
<b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРЛАРИ</b>		
Хорижий автотранспорт воситалари кириши, чиқиши ва транзит ўтишини назорат қилишни янада такомиллаштириш тўғрисида (кўчирма)	2008 йил 17 декабрь, 274-сон	1-сон “СБХ”
Об установлении ставки налога с физических лиц на потребление бензина, дизельного топлива и газа для транспортных средств	2008 йил 30 декабрь, 286-сон	2-сон “Норма маслаҳатчи”
Экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ва кредит йўли билан қўллаб-куватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2008 йил 31 декабрь, 290-сон	3-4-сон “Норма маслаҳатчи”
Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларга товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишни тартибга солиш тўғрисида	2008 йил 24 декабрь, 277-сон	5-сон “СБХ”
Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига кўшимча киритиш тўғрисида	2008 йил 27 декабрь, 282-сон	5-сон “СБХ”
Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар ва кўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сон қарори)	2008 йил 29 декабрь, 283-сон	5-сон “СБХ”
Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-куватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида	2008 йил 31 декабрь, 288-сон	5-сон “СБХ”
Экспорт қилувчи корхоналар қарзини таркибий ўзгартиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2008 йил 31 декабрь, 289-сон	5-сон “СБХ”
Об утверждении плана законопроектной работы правительства Республики Узбекистан на 2009 год	2008 йил 25 декабрь, 278-сон	5-6-сон “Норма маслаҳатчи”
О мерах по внедрению системы оценки актов законодательства	2008 йил 26 декабрь, 281-сон	5-6-сон “Норма маслаҳатчи”
О мерах по дальнейшему развитию производственной кооперации и увеличению экспортного потенциала	2009 йил 16 январь, 14-сон	7-сон “Норма маслаҳатчи”
О мерах по дальнейшему совершенствованию порядка предоставления земельных участков юридическим и физическим лицам в Ташкентской области и их целевому использованию	2009 йил 20 январь, 16-сон	7-сон “Норма маслаҳатчи”
Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида (Вазирлар Маҳкамасининг “Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларга товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишни тартибга солиш тўғрисида” 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарори)	2009 йил 4 февраль, 33-сон	8-сон “Норма маслаҳатчи”
“Навоий” эркин индустрыйл-иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида	2009 йил 27 январь, 21-сон	9-сон “Норма маслаҳатчи”
Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2009 йил 29 январь, 26-сон	10-сон “Норма маслаҳатчи”
Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2009 йил 29 декабрдаги ПК-1024-сон қарори)	2009 йил 9 февраль, 36-сон	10-сон “Норма маслаҳатчи”
Давлат активларини сотиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	2009 йил 29 январь, 27-сон	11-сон “Норма маслаҳатчи”
Касб-хунар колледжлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва ўтказишини такомиллаштириш тўғрисида	2009 йил 11 февраль, 40-сон	12-сон “Норма маслаҳатчи”
Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш ва адвокатлик тузилмаларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида	2009 йил 9 март, 60-сон	13-сон “Норма маслаҳатчи”
Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида	2009 йил 20 февраль, 50-сон	14-сон “Норма маслаҳатчи”

<i>Меърий ҳужжатнинг номи</i>	<i>Санаси, рўйхат рақами</i>	<i>Газета сони</i>
<b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРЛАРИ</b>		
Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат юридик шахс шаклида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2009 йил 26 январдаги ПК-1047-сон қарори)	2009 йил 7 март, 58-сон	14-сон “Норма маслаҳатчи”
Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида	2009 йил 9 март, 59-сон	14-сон “Норма маслаҳатчи”
Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2009 йил 13 март, 68-сон	14-сон “Норма маслаҳатчи”
Иккиласми қофоз чиққандиларини тўплаш, тайёлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида	2009 йил 16 март, 70-сон	14-сон “Норма маслаҳатчи”
<b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИННИГ ҚАРОРИ</b>		
“Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 208-моддаси 35-бандининг ўзбекча матнига ўзгартиш киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш ҳақида	2009 йил 5 февраль	8-сон “Норма маслаҳатчи”

<i>Меърий ҳужжатнинг номи</i>	<i>Хужжатни тасдиқлаган орган</i>	<i>Санаси, рўйхат рақами, кучга киради</i>	<i>Газета сони</i>
<b>ИДОРАВИЙ-МЕЪРИЙ ҲУЖЖАТЛАР</b>			
Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатилган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида	ЎзР МАЙМҚВ	2008 йил 9 декабрь, 588-2-сон, 2008 йил 19 декабрдан кучга кирди	1-сон “СБХ”
2009 йил учун давлат статистика ҳисботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида	ЎзР ДСҚ	2008 йил 13 декабрь, 1880-сон, 2008 йил 23 декабрдан кучга кирди	1-сон “СБХ”
Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида	ЎзР ДСҚ, ДБҚ, МББ	2008 йил 23 декабрь, 1281-2-сон, 2009 йил 2 январдан кучга кирди	2-сон “Норма маслаҳатчи”
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг банклари ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	ЎзР МББ	2008 йил 23 декабрь, 1883-сон, 2009 йил 2 январдан кучга кирди	2-сон “Норма маслаҳатчи”
Хусусийлаштириш инвестиция фондларининг акцияларини дастлабки тарқатишида аҳолига сотиш тартибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида	ЎзР ДМҚ хузуридаги ҚҚБФМНҚМ	2008 йил 19 декабрь, 608-2-сон, 2008 йил 29 декабрдан кучга кирди	3-4-сон “Норма маслаҳатчи”
Ваколатли банкларга экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга қўйиш ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	ЎзР МББ	2008 йил 23 декабрь, 954-3-сон, 2009 йил 2 январдан кучга кирди	3-4-сон “Норма маслаҳатчи”
Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	ЎзР МВ	2008 йил 23 декабрь, 977-4-сон, 2009 йил 2 январдан кучга кирди	3-4-сон “Норма маслаҳатчи”
Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солигининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	ЎзР МВ, ДСҚ	2009 йил 15 январь, 1807-1-сон, 2009 йил 25 январдан кучга кирди	7-сон “Норма маслаҳатчи”
Адвокатлик гувоҳномасини беришнинг вақтинчалик тартиби тўғрисида	ЎзР АВ	2009 йил 20 январь, 1888-сон, 2009 йил 30 январдан кучга кирди	7-сон “Норма маслаҳатчи”
Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва “Микрокредитбанк” кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	ЎзР МББ, МВ	2009 йил 5 январь, 1548-3-сон, 2009 йил 15 январдан кучга кирди	7-сон “Норма маслаҳатчи”
Солиқ солиши мақсадида солиқ тўловчиларнинг автоматлаштирилган ҳисобини юритиш учун банк депозитлари миллий ахборот базаси маълумотларидан фойдаланиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	ЎзР МББ, ДСҚ	2009 йил 16 январь, 614-2-сон, 2009 йил 26 январдан кучга кирди	8-сон “Норма маслаҳатчи”
Қимматли қофозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация) қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	ЎзР ДМҚ хузуридаги ҚҚБФМНҚМ	2009 йил 20 январь, 660-2-сон, 2009 йил 30 январдан кучга кирди	8-сон “Норма маслаҳатчи”
“Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиги ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида	ЎзР МВ, ДСҚ	2009 йил 28 январь, 1594-3-сон, 2009 йил 7 февралдан кучга кирди	8-сон “Норма маслаҳатчи”
Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	ЎзР МВ	2009 йил 28 январь, 1891-сон, 2009 йил 7 февралдан кучга кирди	9-сон “Норма маслаҳатчи”

<i>Меърий ҳужжатнинг номи</i>	<i>Хужжатни тасдиқлаган орган</i>	<i>Санаси, рўйхат рақами, кучга кирди</i>	<i>Газета сони</i>
<b>ИДОРАВИЙ-МЕЪРИЙ ҲУЖЖАТЛАР</b>			
Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўгрисидаги вақтингчалик низомни тасдиқлаш ҳақида	ЎзР МВ, ДСҚ	2009 йил 17 февраль, 1906-сон, 2009 йил 27 февралдан кучга кирди	9-сон “Норма маслаҳатчи”
Ҳужалик юритувчи субъектлар-экспортёrlар томонидан амортизацияни ўрнатилган меъердан камроқ ҳисоблаш тартиби тўгрисидаги вақтингчалик низомни тасдиқлаш ҳақида	ЎзР МВ, ИВ, ДСҚ	2009 йил 5 февраль, 1897-сон, 2009 йил 15 февралдан кучга кирди	10-сон “Норма маслаҳатчи”
Дивиденд тарзидаги даромадларни солиқ солишдан озод этиш тўгрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	ЎзР МВ, ИВ, ДСҚ	2009 йил 10 февраль, 1901-сон, 2009 йил 20 февралдан кучга кирди	10-сон “Норма маслаҳатчи”
